Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 25 DEKABR ◆ SESHANBA ◆ № 153 (26.855)

ФИКР

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ДУНЁ СИЁСАТИНИ АНГЛАШ

Ҳаммамизга аён, бугун жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар тафсилоти лаҳзанинг ўзидаёқ ер юзига тарқалиб кетяпти, бутун башарият воқиф бўляпти. Айниқса, турли хил сиёсий вазиятлар ҳукм сураётган бизнинг давримизда мавжуд воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлиш, уларни таҳлил қилиш, муносабатга киришиш кишилар учун шунчаки бир қизиқувчанлик аломати бўлибгина қолмай, балки ҳаётий заруриятга айланган. Дунёда оммавий ахборот воситалари, ахборот тармоқларининг роли беиҳоя кенгайиб бораяпти. Айтиш жоизки, «Интернет» тармоғининг мавқеи ўсиб, жаҳон бўйича глобал ахборот инфратузилмаси ташкил топаётир. Демак, кенг маънода айтганда, бутун ер юзи халқлари ахборотлашган жамият билан юзма-юз турибди. Ахборотлашган жамият замонавий тараққиётнинг ўзаги сифатида тан олиняпти.

Бугун тараққий топган, илғор тажрибага эга давлатларда шахсий компьютер парклари мавжудлиги ва «Интернет» халқаро ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони тобора ошиб бораётганини тасаввур қилсак кифоя. XXI асрда технологик тараққиёт фақат ахборот-коммуникациялар технологиясининг такомиллашуви билан боғлиқлиги жаҳон олимлари томонидан эътироф этилмоқда. Фаразларга қараганда, дунё давлатлари ягона компьютерлашган ва ахборотлашган кишилар жамиятига айланиб боради, яъни жаҳон тараққиёти, башарият ҳаётига молик барча хабар ва янгиликлар, тафсилотлар дунё халқлари кўз ўнгида намоён бўлади. Табиийки, дунё сиёсати, инсоният келажаги, бугуни билан боғлиқ масалалар энг аввало, мана шу тармоқ орқали тарқалади.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши давр эҳтиёжидан келиб чиқиб, табиий равишда содир бўлмоқда. Интерактив хизматлар тармоқларига кириш нафақат иқтисодий ёхуд маърифий-маънавий соҳадаги замонавий билимлардан воқиф бўлиш, балки дунё сиёсатини англаш, дунё сиёсатидаги муҳим омиллар юзасидан хулоса чиқариш имконини беради. Яъни, асримизнинг ҳар бир кишиси, замондошимиз дунёқарашида жаҳоний аҳамият касб этажак янгиликлар, ўзгаришларга нисбатан теран муносабат шаклланиб боради.

Аввало ҳар бир ватандошимиз ер юзида кейинги пайтларда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан сўнг, айниқса, жаҳон тинчликсевар халқларига халқаро терроризм солаётган хавф АҚШда содир этилгандан сўнг, ахборотлар оқими инсониятни нафақат мавжуд ҳодисалардан воқиф этадиган, балки огоҳликка даъват этувчи куч эканлигини ҳам англаб етди. Бундан ташқари, тарқалаётган ахборот оқимини қабул қилар эканмиз, уларнинг барчаси айни ҳақиқат тарзда берилмаслигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Сирасини айтганда, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, айрим ғаразли кучларнинг истак ва хоҳишларини ифодалаган ёлғон хабарлар ҳам тарқаладики, бу ўринда бугунги глобаллашув жараёнини бошдан кечираётган инсоният учун ёлғон ахборот нечоғлик хатарли эканлигини ҳис қилдик.

Бугун ахборотлашган жамият тараққиёт мезони деб қаралар экан, тарқатилаётган ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат олдида жиддий масалаларни кўндаланг қилиб қўйди. Яъни, тарқатилган ахборот замирида кўзланган мақсадларни яққол тасаввур қилиш учун ахборот қайси бир мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқлилигидан қатъи назар, ўша мамлакатнинг бу ахборотга нисбатан муносабати, кишиларни ҳақиқий аҳволдан воқиф қилиш зарурати туғилади. Лўнда қилиб айтганда, одамларга тарқатилган хабарнинг ёлғон ёки ҳақиқат эканлигини тушунтириш биринчи галдаги вазифага айланади. Ёлғон ахборотга нисбатан эътиборсизлик жамиятда носоғлом муҳитни вояга етказади. Бунда миллионлаб кишиларда жамиятга нисбатан норозилик кайфияти уйғониши мумкин.

Дунёнинг илғор давлатлари сафидан ўрин олишга интилаётган мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора шаклланиб бормоқда. Бу жараённинг асосий белгиси юртимизда сиёсий партиялар фаолияти, кўппартиялилик асосида ўтказилган сайловни айтиб ўтиш лозим. Табиийки, ҳар бир сиёсий партиянинг ўз нашри бор. Бу нашрлар мазкур партияларнинг дастурларида белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб фаолият кўрсатади. Умумий манфаат битта — Ватан тараққиёти, Ватан равнақи, халқнинг фаровон келажаги сари интилиш. Демакки, халқимиз, истиқлолимиз, юртимиз ривожланишига, давлатимизнинг изчил ва одил сиёсатига зид, тинчлик йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга қарши уйдирмалардан иборат ахборотларга бефарқ бўлмаслик, уларни инкор этиш, кескин зарба бериш жамиятдаги фаол партия нашрининг бурчидир.

Бунинг учун, энг аввало, ҳар бир сиёсий партия нашри «Интернет» тармоғидан кенг кўламда фойдаланиши, ахборотлаштирилган жамият сари дадил қадам қўйиши;

иккинчидан, ҳар бир сиёсий партия нашрининг лоақал ривожланган мамлакатларда ўз мухбирлари фаолияти таъминланиши;

учинчидан, ахборот хавфсизлигига сиёсий партияларнинг муносабати сезиларли даражада бўлиши ва керак бўлса, партия йиғинларида кенг кўламли ташвиқот ишлари олиб борилиши;

тўртинчидан, бугун сиёсий партия нашрлари халқаро ҳаёт мавзусига кенгроқ эътибор қаратиши;

бешинчидан, сиёсий партиялар нашрлари журналистлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ўртасида дунёвий сиёсатга молик мавзулар хусусида мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу эса биргина мамлакат ва минтақа учун эмас, балки жаҳон тараққиёти, бутун инсоният тинчлиги йўлида ахборотлашган жамиятнинг ўрни беқиёслигини кўрсатади.

■ **Кўчқор НОРҚОБИЛ**



■ Владимир ПАНОВ олган сурат

СПОРТ

ЧЕВАРА ЧЕМПИОН БЎЛДИ

Тўрақўрғонда Тўйчи полвон Сиддиқов деган улоқчи ўтган. Фарғона канали қурилишида назарга тушган бу полвон ёлғиз фарзанди Сойибжонни ҳам курашга солди. Бугун эса ота-бола яратган анъаналарни набира ва чевералар давом эттиришмоқда. Тўрақўрғонда 1993 йили ташкил этилган Тўйчи полвон Сиддиқов номли миллий кураш мактаби Наманган вилоятида таянч устахонага айланган. Мактабга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Тўйчи полвоннинг набираси Неъмат полвон Тўйчиев раҳбарлик қилади. У ерда сабоқ олган юздан ортиқ йигитлар бутун Ўзбекистонда белбоғли кураш равнақига ҳисса қўшмоқдалар. Республика биринчиликларида қатнашган Неъмат полвон шогирдларидан 55 нафари чемпионлик унвонига сазовор бўлиб, олий ўқув юртларига имтиёз билан қабул қилинган.

Гап шундаки, шу мактабда 19-21 декабрь кунлари республика мусобақаси бўлиб ўтди. Белбоғли кураш мусобақаларида Тошкент шаҳри, вилояти, водий ва Сирдарё вилоятлари ёш полвонлари қатнашдилар. Жамоа ҳисобида Наманган вилояти биринчи, Тошкент шаҳри иккинчи, Андижон полвонлари учинчи ўринни эгалладилар.

Тўрақўрғонлик томошабинлар мусобақа кунлари мазза қилишди. Айниқса, ҳамюртлари — Тўйчи полвоннинг чевараси, Неъмат полвоннинг ўғли Музаффар Сойибжоев 55 кг. вазнда рақиби билан бел ушлашиб ҳалол ғалабага эришганида олқишлар янгради.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ БМТ СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Котиби Кофи Аннанга Афғонистонда урушдан кейинги тинч ҳаётни тиклаш борасида Ўзбекистон нуқтаи назари баён этилган ёзма мурожаати ҳужжат сифатида нашр этилди ва тарқатилди.

Кутилганидек, мамлакатимиз раҳбарининг янги ташаббуси ҳам Афғонистонга қурол-яроғ киритишни таъқиқлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд ташкил этиш каби аввалги ташаббуслари сингари БМТ 56-сессиясида иштирок этаётган кўпгина давлат делегациялари вакилларида том маънода қизиқиш уйғотди ва фикр алмашувларнинг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Мазкур ташаббуснинг муҳим жиҳати шундаки, у нафақат Афғонистонда тинчликка эришиш, барқарорлик ва хотиржам ҳаёт ўрнатишга, балки минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА, Нью-Йорк

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Афғонистон Муваққат маъмуриятининг таклифига биноан, ташқи ишлар вазири А.Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси шу йил 22 декабрь куни Кобулда Президент Б.Раббонийнинг мамлакат Муваққат маъмурияти раҳбари Х.Карзайга ҳукумат ваколатларини топшириш маросимида иштирок этди.

Ташриф давомида Ўзбекистон делегациясининг Х.Карзай, Б.Раббоний, Афғонистон ташқи ишлар вазири А.Абдулло ҳамда ушбу маросимда иштирок этган Эрон, Покистон, Бельгия ва бошқа мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Афғонистоннинг янги раҳбари Афғонистонда тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлагани ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган сиёсати учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга миннатдорлик билдирди.

Х.Карзай ўзи бошқараётган маъмуриятнинг қўшни Ўзбекистон билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга бўлган қатъий интилишини изҳор этди.

■ **«Жаҳон» АА**

BU DUNYONING ISHLARI

САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

24 декабрь Москва вақти билан 12:00 да Россия Президенти Владимир Путин билан тўғридан-тўғри умумхалқ савол-жавоби ўтказилди.

Салкам уч соат бўлиб ўтган ушбу суҳбатни ОРТ ҳамда РТР телеканаллари эфирга узатишди. Президентга жами 2 миллионга яқин саволлар тўпланган бўлиб, булар телефон ва электрон почта орқали беш кун мобайнида қабул қилиб олинган.

2002 йил мамлакат учун омадли келадими, деган саволга Путин жаноблари: **«Бизнинг вазифамиз, авваламбор ҳамма яхши нарсаларни сақлаб қолиш, юксалиш сари олиб бораётган барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш, шунга эришиш керакки, қабул қилинган барча қонунлар ишлаши ва ўз самарасини бериши лозим. Бир танишим айтганидек, ўтган асрда Россия инқилоблар режасини ошиғи билан бажарди, умид қиламанки, бу асрда инқилоблар бўлмайди, балки фақат ривожланиш сари ҳаракатлар бўлади. Агар биз ўз мақсадимиз сари дадил қадам қўёлсак ва халқ фаровонлигини оширолсак, мен ўз олдимга қўйган мақсадни бажаролдим, деб ҳисоблайман»,** деди.

КЎМАККА ТАЙЁР

Оқ уй раҳбари Жорж Буш АҚШ террорчиликка қарши курашда ёрдам сўраган ҳар қандай давлатга кўмак беришга тайёрлигини маълум қилди. Хусусан, расмий Вашингтон «Абу Сайёф» террорчилик гуруҳини тор-мор этишда Филиппинга ҳарбий ёрдам бериш ниятида. Хабарларга кўра, бир гуруҳ америкалик ҳарбий маслаҳатчилар шу мақсадда Манилага жўнатилган.

ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Ҳиндистон хавфсизлик хизмати мамлакат парламенти котибияти ходимларидан бирини жосусликда айблаб ҳибсга олди. Аниқланишича, у мудофаа, ядровий тадқиқотлар, темир йўл хавфсизлиги, суд тизими билан боғлиқ ҳужжатларни хуфя тарзда Покистон томонига сотган. Тергов чоғида жиноятчи буни бўйнига олди.

СОБИҚ ЭЛЧИ БОШПАНА СЎРАДИ

«Толибон» ҳаракатининг Исломободдаги собиқ элчиси Абдусалом Зоиф Покистон ҳукуматидан сиёсий бошпана сўради. Хабарларга қараганда, расмий Исломобод ҳозирча бу мурожаатга ҳеч қандай жавоб қайтаргани йўқ.

ИМТИЁЗЛИ ҚАРЗ МИҚДОРИ КАМАЙТИРИЛДИ

Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиётида юзага келган айрим муаммолар сабаб келаси йили хорижий давлатларга ажратиладиган имтиёзли қарз миқдорини 10,3 фоизга қисқартиришга қарор қилди. Ҳукумат шу мақсад учун 2002 йилда 7 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш тўғрисидаги ҳужжатни тасдиқлади. Энди бу ҳужжат январь ойида парламент тасдиғидан ўтиши керак.

ОЧИҚ ГАПЛАР

«ЙЎЛКИРАНИ ЭШИТИБ ЁҚА УШЛАЙСИЗ»

Улуғ айём кунлари ҳеч бир киши бесабаб узоқ сафарларга отланмайди. Биз ҳам Рамазон ҳайити арафасида Андижонга йўл олдик. Бугунги тезкор давр одамлари учун вақтдан ҳам қимматлироқ ва қадрлироқ мулк йўқ. Бахтга қарши поезд ҳам Андижонга кеч етиб боради.

Шу боис, йўловчилар Фарғона водийсига енгил машиналарда боришга одатланишган. Узоғи билан 5-6 соатда манзилингизга етиб оласиз. Тоғ манзараларининг кўркамлигига гап йўқ. Йўлларнинг равонлигини айтмайсизми?! Буюк ипак йўлининг ўзаги ҳисобланмиш «Қамчиқ» довонининг йўллари ончамунча шаҳар кўчаларидан кўра текис ва кенг.

Қисқаси, яхши ният билан 13 декабрь куни азонлаб Қўйлиқ бозори яқинидаги водийга қатновчи машиналар қўним топган «бекат»га (аксига олиб у ҳам бир чақиримча нарига — ноқулай жойга кўчирилган экан) бордик. Ҳамиша: «Опажон, мана «Тико», мана «Нексия», Андижонга кетасизми, Намангангами? Юринг, арзон опкетаман!» — деб қўлини кўксига қўйиб кутиб оладиган ҳайдовчилар негадир ўша куни оғизларига талқон солиб олгандек жим туришарди. Машина — беҳисоб, бироқ таклиф қилувчи йўқ. Ким ҳайдовчи, ким йўловчилигини аниқлаб олиш ҳам амримаҳол.

Ҳайрон бўлиб машина қидира бошладик. Йўлкира нархини эшитиб, ҳайрон бўлиш ҳам гапми ёқамизни ушладик. Ҳар доим 3 ярим 4 минг сўмдан олиб борадиган «Тико» эгалари «Ўн мингдан ўн тийин ками йўқ» деб турибди. Кира ҳақини беш-олти мингдан оширмайдиган «Нексия» эгалари эса 12-15 мингдан пастга тушмаяпти.

Зарурат юзасидан йўлга чиққанлар инсоф сўраб ҳайдовчиларга нархни туширишларини илтимос қилиб ялиндилар. Ҳайдовчилар эса пинагини ҳам бузмай: «Чўнтагингиз кўтармаса, бориб нима қиласиз, ҳайитга! Бугун инсофнинг ўйи куйган. Сўраб овора бўлманг!» қабилида қўрс жавоб бердилар. Гўё ҳаммалари маслаҳатлашиб, тил бириктириб олишгандек.

Ёпирай, шундай улуғ айём кунларида инсофнинг ўйини куйдириш ҳисобига чўнтак тўлдириш одамийликка тўғри келармикин? Норози бўлиб берилган пул ўша «тадбиркор» ҳайдовчиларга буюрармикин? Ёки бу «бекат»даги фавқулоддда ўзгаришларни назорат қилувчи мутасаддилар йўқмикин?

Ҳолбуки, Самарқандга давлат автобусида 1200 сўмга, Қаршига бир ярим минг сўмга етиб олиш мумкин. Хусусий автобуслар эса янада арзонроққа олиб кетади. Водийга эса автобус мутлақо йўқ. Поезд ҳам ҳафтасига бор-йўғи 2 марта — сешанба ва жума кунлари қатнайди. Айнан иш кунлари тўғри келгани, қолаверса, 15-18 соатлаб юрганлиги учун поездда кетиш йўловчиларга ноқулай. Демак, биз енгил машинада кетишга ва ҳайдовчиларнинг раъйи билан ҳисоблашишга мажбурмиз.

Бироқ ҳар қандай ҳолатда меъёр ва чегара бўлиши керак. Шундай экан Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари йўл мувозанатини назорат қилсалар, айни муддао бўлур эди. Ҳадемай янги йил келади. Пойтахтда таҳсил олаётган ўғил-қизларимиз таътилга чиқиб, ота-оналарини кўргани кетишлари табиий. Ўшанда аҳвол нима бўларкин? Йўл кира масалалари-чи?

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 25 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	349,43
1 Австрия шиллинги	44,30
1 Англия фунт стерлинги	988,45
10 Бельгия франки	151,10
1 Голландия гульдени	276,60
10 Греция драхмаси	17,90
1 Дания кронаси	81,86
1 БАА дирхами	187,03
1 АҚШ доллари	686,90
1 Миср фунти	150,64
10 Испания песети	36,63
100 Италия лираси	31,48
1 Канада доллари	432,99
1 Хитой юани	82,99
10 Люксембург франки	151,10
1 Малайзия ринггити	180,78
1 Германия маркаси	311,66
1 Польша злотийси	172,22
1 СДР	867,11
1000 Туркия лираси	0,46
1 Финляндия маркаси	102,52
1 Франция франки	92,93
1 Швейцария франки	416,25
1 ЕВРО	609,56
10 Жанубий Корея вони	5,29
10 Япония иенаси	53,02
1 Россия рубли	22,84
1 Украина гривнаси	129,73

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу кийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

УММОН ОШАЁТГАН АГРОФИРМА



Янгийўл шаҳрида мўъжаз бир корхона — вино ва ароқ ишлаб чиқарадиган комбинат ярим асрдирки, фаолият юритади. Мустақиллик шарофати билан «Янгийўлагрофирма» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ҳозир салкам 2500 гектар ердаги 3 та «Янгийўл», «Янгиобод», «Навоий» ширкат хўжаликларини ва уларда етиштирилган узум ҳамда мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватига эга йирик корхона бирлашган жамоа улкан ютуқларга эришмоқда. Бу агрофирма бош раҳбари номига Шаҳрисабз шаҳар ҳокими З.Қўзиевдан келган хатда ҳам ўз ифодасини топган. Хатда шундай жумлалар бор: «Сиз бошқараётган жамоа ишлаб чиқараётган маҳсулотлар Қашқадарё вилоятида, хусусан, Шаҳрисабз шаҳрида харидоргир бўлмоқда. Шаҳримиз ЮНЕСКО тасарруфига киритилганлиги сабабли, хорижий мамлакатлардан жуда кўплаб меҳмонлар келиб турганлигини ҳисобга олиб, шўъба корхонангизни қадимий ва навқирон шаҳримизда ташкил этсангизлар», дейилган. Бундай хатлар мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ҳатто чет давлатлардан ҳам келиб турибди.

Ҳиссадорлик жамияти АҚШнинг Халқаро сертификатига эга бўлди. Шу боисдан мазкур давлат тадбиркорлари яқинда 234 минг дал коньяк ичимлиги сотиб олиш бўйича шартнома имзолашди. Жамоада ютуқлар фақат бугина эмас, 1997 йили Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро кўргазмада «Шодлик» коньяги, 1998 йили эса «Ўзбекистон» коньяги олтин медалга лойиқ, деб топилди.

Хўш, бундай ютуқларга қандай эришиляпти? Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмаяпти. Замирида катта изланиш, тинимсиз меҳнат ётибди. Масалан, ўтган йили 94,4 минг дал вино тайёрлаш керак бўлса, йил охирига келиб 283,2 минг далга, жорий йилда эса 160 минг дал ўрнига 262,5 минг далга етказилди. Ароқ ишлаб чиқариш ҳам 2000 йилда 174,2 минг дал, яъни режа 109,2 фоизга бажарилди. Икки йилда маҳсулот ишлаб чиқариш 2 миллиард 881 миллион 245 минг сўмдан 3 миллиард 621 миллион 163 минг сўмга ошди. Хорижга маҳсулот экспорт қилиш ҳам икки йил ичида 3,1 баробарга ўсди.

— Мамлакатимиз иқтисодий қудрати юксалишига қўлдан келганча хизмат қиляпмиз, — дейди «Янгийўлагрофирма» ҳиссадорлик жамияти бош директори Жўра Маъруров. — Режаларимиз улкан. Фақат буни меҳнаткаш ишчи ва хизматчиларимиз билан бир тану бир жон бўлиб амалга оширишимиз лозим. Айни кезда агрофирмамизнинг хориж валютаси ҳисоб рақамига эга бўлганлиги чет эл давлатлари билан шартномалар тузишда қулайлик туғдирмоқда. Корхонамиз маҳсулотларини чет элга валюта қийматида сотиш мамлакат бюджетига ва жамоамизга салмоқли фойда келтирмоқда.

Бу, биринчидан, агрофирма учун катта фойда. Иккинчидан, ширин-шарбат неъматлардан тайёрланган ушбу маҳсулотлар серқуёш юртимиз довруғини узоқ океан ортига ҳам таратади.

Факт ва рақамларга эътибор берарканмиз, эллик йиллик тўйини нишонлаётган корхона ва унинг негизида ташкил этилган агрофирмани тобора кўтарилиш пиллапоясида кўрамиз. Бугун агрофирмада пахта, ғалла, шоли ва бошқа турдаги деҳқончилик экинлари ҳам парваришланмоқдаки, бу унинг иқтисодий бақувватлашиб бораётганлигидан далолат.

Далаларда меҳнат қилишаётган деҳқонлар оила ва пудрат усулида ишлашмоқда. Бу ҳам уларга катта имконият калитини тутқазмоқда. Масалан, барчаси чек дафтарчалари билан таъминланган. Олинган иш ҳақлари, сарф-харажатлар, қилинган ишлар — барча-барчаси ушбу дафтарчада қайд этилиб борилади. Бу эса ортиқча кирим-чиқимларга чек қўйди. Олинган ортиқча даромад эса тўғридан-тўғри деҳқон чўнтагига тушмоқда. Натижада 1,5 гектар ерда меҳнат қилаётган оилавий пудратчилар, миллион сўмдан ҳам ошириб соф даромад қилганлар сафи кўпайди. Хуллас, мамлакатимизда эсган озодлик шабадаси «Янгийўлагрофирма»си ва унинг тасарруфида меҳнат қилаётганларга бахт ва барака келтирмоқда. Рўзғорларини бут, турмушларини фаровон этмоқда.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Суратларда: *1. «Янгийўлагрофирма» бош директори Жўра Маъруров ишлаб чиқариш илғорлари даврасида. 2. Агрофирма маҳсулотларидан намуналар.*

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Фарғона туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, хотин-қизлар кенгашларининг раисалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими вакиллари ва халқ депутатлари Фарғона туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар иштирок этдилар.

Пленум қатнашчилари кенгаш биринчи котиби С.Акимовнинг «Оналар ва болалар йилида ХДП Фарғона туман кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида» ҳамда кенгаш котиби Х.Файзиеванинг «Терроризм — ёвуз душман» мавзуидаги маърузаларини муҳокама этдилар.

Мажлис якунида партиянинг бир гуруҳ фаолларига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши фахрий ёрлиқлари топширилди.

✧✧✧

Халқ депутатлари Уйчи туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутат Ш.Расулов, мазкур туман партия кенгашининг пленумида ўз сайловчилари ўртасида олиб бораётган ишлари тўғрисида ахборот берди. Шунингдек, пленум ХДП Уйчи туман кенгашининг 2001 йил бюджети ижроси ҳамда янги йил бюджетига оид масалани муҳокама этди.

✧✧✧

ХДП Фурқат туман кенгашида халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилиши бўлди. Депутатлар иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VII сессиясида кўрилган масалалар ва терроризмга қарши курашда давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни туман аҳолиси ўртасида тарғибот қилиш ва 2001 йилда депутатларнинг ўз сайловчилари билан олиб борган ишлари тўғрисидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, йиғилишда партия марказий нашрларига обуна мавсумини уюшқоқлик билан давом эттириш бўйича амалий тадбирлар белгиланди.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессиясида қабул қилинган қарорларни партия аъзолари, туман аҳолиси ўртасида кенг тушунтириш ишларини бошлаб юборди. Андижон вилояти тез тиббий ёрдам Маркази ҳамда 8-касб-ҳунар мактаби ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган партия йиғилишларида партия аъзолари олдида турган вазифалар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

✧✧✧

«Оналар ва болалар» йилида партиямиз аъзолари аёллар саломатлигини тиклаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Тошлоқ шаҳарчасида, партия аъзоси Ш.Эрматов ва депутат Ш.Мирзакаримовлар ташаббуси билан қаровсиз ҳолдаги бино таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, унда «Аёллар учун маслаҳат маркази» ишга туширилди.

✧✧✧

Андижон шаҳар партия кенгашида 2002 йил учун партия марказий нашрларига обунани ташкил қилиш масалалари юзасидан бошланғич партия ташкилотлари котибларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

✧✧✧

ХДП Элликқалъа туман кенгаши ижроия бюроси, ҳашарликдан тушган маблағлар ҳисобидан тумандаги 56 нафар партия фаоллари ва 30 нафар кам таъминланган оилалар аъзоларига партия нашрлари — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарига обунани расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

✧✧✧

Партия Мархамат туман кенгаши ижроия бюроси йиғилишида 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилиниши муносабати билан туман партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

✧✧✧

Янгиқўрғон туманидаги «Заркент» ва Д. Сатторов номли ширкатлар уюшмаларида барча партия аъзолари 2002 йил учун партия нашрларига йиллик обунани расмийлаштирдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши 5-касб-ҳунар лицейи, бизнес-мактаби ва «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилотларида «Конституциямиз — фахримиз», «Миллий анъаналаримиз», «Ватан остонадан бошланади» мавзуларида тадбирлар ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган ушбу тадбирларда ХДП Асака туман кенгаши биринчи котиби Ф.Холиқов маърузалар билан иштирок этди.

✧✧✧

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан партия Хўжаобод, Асака, Бўз туман кенгашлари томонидан кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари топширилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

Олтинсой туманида Азамат деҳқон-фермер хўжалиги номини эшитмаган кам топилади. Сабаби, хўжаликка 80 ёшли уста деҳқон Одилориф ота Умаров бош бўлиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Хўжалик шу мавсумда ҳар гектар пахтадан 50 центнердан ҳосил етиштириб, туманда биринчиликни олди.

Одилориф ота бой — 10 фарзанд, 47 неварининг бобоси.

✧✧✧

Суратларда: *1. Туман ҳокими Р.Алимов Одилориф отани эришаётган ютуқлари билан тақдирлади. 2. Ота томорқасида.*

■ **Нуриддин МАҲКАМОВ олган суратлар**

ОИЛА ШАЪНИ — МУҚАДДАС

АҲД УЙИ

Халқимиз, айниқса, юзларидан нур ёғилиб турган отахону онахонлар улуғ Рамазон ойида, ҳайит байрамида қўлларини дуога очиб, юртимизга тинчлик, осойишталик тилаб туришлари ҳар биримизнинг қалбимизда эзгу ҳисларни уйғотиши шубҳасиз. 2002 йилнинг мамлакатимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши дориломон кунлар учун меҳнат қилган ота-оналаримизни эъзозлаш, улар хизматини жойига қўйишдек урф-одатларимиз улуғланишининг яна бир намунаси бўлди.

2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» дея эътироф этилиши ФҲДЁ — Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш бўлими ходимлари зиммасига ҳам ўзига хос вазифалар юклаган эди. Биз ФҲДЁ ходимлари йил давомида оила қураётган йигит-қизлар билан бирга бўлдик. Уларга ҳозирги замон оиласи, унинг талаблари, вазифалари ҳақида мутахассис тушунтиришлари уюштирдик. Турли мавзуларда олиб борилган суҳбатлар ёшларнинг куч-қуввати ва қобилиятларини тараққиёт сари йўналтиришга ҳисса қўшди, деб ўйлайман.

Жорий йилда ФҲДЁ туман бўлимида 3 мингта туғилиш ва 1300 га яқин никоҳ қайд этилди. Ажрашишга қарор қилган ўндан зиёд оилани яраштиришга муваффақ бўлдик. Туман ҳокимлиги қошидаги ҳамда маҳаллалардаги оилани мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланувчи махсус комиссиялар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ташвиқот ва тушунтириш ишлари оилалар мустаҳкамлигига сезиларли таъсир ўтказмоқда.

Тўғриси, кимнингдир оиласида жанжал чиқса, бу уларнинг шахсий иши, дея жимгина қараб тураверишимиз удумларимизга тўғри келмайди. Ахир эр-хотин жанжали оқибатида оила бузилса, болалар етим қолса, уларнинг тарбиясига путур етса жамият зарар кўрмайдими?!

ФҲДЁ бўлимлари ўз маълумотига кўра янги ташкил топаётган ҳар бир оила учун «аҳд уйи»дир. Шу ерда ҳамжиҳатликда яшаш тўғрисидаги аҳдномага имзо чекилади. Шунинг учун ҳам фаолиятимиз ҳар томонлама бугунги кун талаби даражасида бўлиши учун ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирги пайтда никоҳ гувоҳномаларини тўй оқшомида келин-куёвга топшириш тўла анъанага айланиб қолди. Шу тариқа ҳудудимизда ўтаётган тўйлар камчиқим, ихчам ва чиройли бўлишига эришилаётир.

Оиладаги соғлом турмуш тарзи фарзанднинг ҳар томонлама баркамол вояга етишида муҳим аҳамиятга эга. Бўлимимизда 1996 йилдан бошлаб аниқ иш режаси асосида фаолият кўрсатиб келаётган «Ёш оила» мактабининг машғулотлари барча ота-оналарга ва ёшларга манзур бўлмоқда. Никоҳни қайд этишга келган ёшлар ариза берган вақтдан бошлаб шу мактаб мутасаддиларидан оилавий мавзуларда, оналик ва болалик хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар, маслаҳатлар оладилар.

Аҳолига манзур бўлаётган тадбирлардан яна бири никоҳ тузиш учун келаётган ёшларга тиббий кўрикдан ўтиш «йўлланма»си берилаётганидир. Шу «йўлланма» асосида ёшлар ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўз турар жойларидаги шифохоналарда тиббий кўрикдан ўтмоқдалар.

Хуллас, бугунги кунда Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини қайд қилиш идораси зиммасидаги вазифа беқиёсдир. Шу идорада расмийлаштирилган никоҳгина оила деб тан олинади ва бу эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаради.

Демак, биз ўз вазифамизга ҳамиша жиддий қарамоғимиз, йигит-қизларга ҳаёт синовлардан иборатлигини, олдиндаги ана шу имтиҳонларга доимо шай турмоқ лозимлигини англатиб боришимиз шарт. Шу билан бирга оилада фарзанд соғлом туғилиб, Ватанимиз учун муносиб фуқаро бўлиб етишида ота-она зиммасидаги масъулият муҳимлигини тушунтириш зарур. Шу тариқа аждодлар ва авлодларнинг ўзаро меҳр-оқибатлигига, ёшлар камолоти ва кексалар эъзозига эришсак, ажаб эмас.

■ **Барно РЎЗИЕВА, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш бўлими мудираси**

АФҒОНИСТОНГА БМТ КУЧЛАРИ КИРИТИЛМОҚДА

Йигирма икки йил давомида жанг майдони бўлиб келган афғон тупроғига ниҳоят БМТ шафеълигида халқаро тинчликни сақлаш кучлари киритиладиган бўлди. БМТ Хавфсизлик кенгаши бу борадаги резолюцияни тасдиқлади. Резолюцияга кўра, халқаро кучлар Афғонистонда олти ой фаолият кўрсатади. Улар муваққат ҳукумат аъзоларини қуриқлаш, пойтахт Кобул ва бошқа йирик шаҳарларда тартиб-интизом сақлаш, стратегик жиҳатдан муҳим саналган иншоотлар, давлат аҳамиятига молик йўллар ҳамда халқаро ташкилотлар хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади. Шунингдек, инсонпарварлик ёрдами сифатида келаётган юкларни манзилларга безиён етказиш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишларида қатнашади.



Дастлаб Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний маъмурияти ҳам, янги муваққат ҳукумат ҳам мамлакатга халқаро тинчликни сақлаш кучлари киритилишидан норозидай эди. Бироқ, кўп ўтмай, Ҳамид Карзай раҳбарлигидаги ҳукумат мамлакатнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида юз бераётган жанжаллар, шунингдек, мудофаа тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳали тўла шакилланмаганини назарда тутиб, Кобулга чекланган миқдордаги БМТ кучларининг киришига розилик берди. Муваққат ҳукуматнинг мамлакатда тинчлик ўрнатишга қурби етмаслиги аён эди.

Халқаро кучлар сони масаласида ҳам анчагина тортишувлар бўлаётир. Бу масала ҳали узил-кесил ҳал қилингани йўқ. Ғарб давлатлари Афғонистонга саккиз мингга яқин ҳарбий киритиш таклифини илгари сурганди. Муваққат ҳукумат наздида бу рақам уч мингдан ошмаслиги керак. Кузатувчилар хориждан келажак қўшин миқдори беш минг кишини ташкил этишини башорат қилмоқда.

Томонлар келишувига кўра, тинчликни сақлаш кучларига уч ой мобайнида Буюк Британия бошчилик қилади. Сўнгра бу вазифа бошқа давлатлар зиммасига юкланади. Халқаро кучлар сафида британиялик ҳарбийлар кўпчиликни ташкил қилиши кутилмоқда. Буюк Британия Кобулга 1500 нафар ҳарбий киритишни мўлжаллаган. Франция, Германия, Канада, Италия аскарлари ҳам Афғонистонга киришга тайёргарлик кўрмоқда. Шунингдек, Чехия, Австралия, Нидерландия, Греция, Жанубий Корея ва Руминия Кобулга ҳарбий жўнатиш истагини билдирган.

АҚШ мутахассислари Қандаҳор аэропортини таъмирлашга киришган.

ИОРДАН ҲАРБИЙЛАРИ МОЗОРИ ШАРИФДА

Иордания Афғонистонга бир гуруҳ ҳарбийларини юборди. Хабарларга кўра, душанба куни Иордания аскарлари самолёт билан Мозори Шарифга ташланган. Улар зиммасига Мозори Шарифдаги ҳарбий шифохонани қўриқлаш юклатилган.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кения пойтахти Найробида Сомалидаги муваққат ҳукумат ва мухолифатдаги алянс вакиллари ўртасида музокаралар давом этмоқда. Хабарларга қараганда, томонлар ягона марказлаштирилган ҳукумат тузишга келишиб олган. Бу битим Сомалида кейинги ўн йил ичида илк бор миллий тотувликни қарор топтиришга имконият яратади.

МУҲОЖИРЛАР МИНАГА ТУШДИ

Ироқлик бир гуруҳ муҳожирлар Туркия — Греция чегарасини яширинча кесиб ўтаётганда минага тушди. Оқибатда уларнинг тўрт нафари қурбон бўлди, яна уч киши жароҳатланди. Бу каби ҳодисалар илгари ҳам рўй берганди. 1999 йилдан ҳозиргача Туркия ва Греция сарҳадларида мина майдонига тушиб қурбон бўлганлар сони йигирмага етди.

ҒАРОЙИБ ОПЕРАЦИЯ

АҚШнинг Кентукки штатида ғаройиб операция ўтказилди. Биринчи марта инсонга механик юрак қўйилди.

59 ёшли бемор Роберт Тулсни юрак хасталиги безовта қилиб келар эди. Шифокорлар у диабет ва бошқа касалликлар билан оғришини ҳам аниқлади. Шу сабабдан унга донор юрагини эмас, тажриба сифатида титан ва елимдан ишланган механик юрак таклиф қилинди. Робертнинг олдида икки йўл бор эди: ё операцияга розилик бериш, ё узоғи билан икки ойдан кейин келадиган мамотга иқрор бўлиш. У биринчисини танлади.

Роберт Тулснинг сўзларига қараганда, аввал янги юракнинг ғўнғиллаган овози ва оғирлигига кўникиш қийин кечган. «Эбайокор» деб номланган янги юракнинг вазни табиий юракдан тўрт баробар катта-да.

Тажриба ижобий якунланганидан руҳланиб кетган америкалик шифокорлар эса бундай операциядан яна бир нечтасини амалга оширди. Лекин операциялар муваффақиятли ўтган бўлса-да, беморлар узоқ яшай олмади. Роберт ҳам операциядан кейин 151 кун яшади, холос.

ЎзА ва Internet хабарлари асосида тайёрланди



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Акциядорлик-тижорат бирлаштирув «ТУРОН» банки

Сизларни, банкимизнинг барча акциядорлари ва мижозларини кириб келаётган

Янги-2002 йил

билан самимий қутлайди

Юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик, бахт-саодат, омад ва хонадонингизга қут-барака тилайди. Янги йил барчамиз учун муваффақиятли, зафарларга бой йил бўлишини тилаган ҳолда янги йилда номинал қиймати бир, беш ва ўн минг сўмлик, йиллик даромади 40 фоиз бўлган, уч ойга мўлжалланган эгасининг номи ёзилмайдиган ва маблағи даромади билан сертификатини кўрсатувчига бериладиган «ЖАМҒАРМА СЕРТИФИКАТЛАРИ»ни муомалага чиқаради.

«ЖАМҒАРМА СЕРТИФИКАТЛАРИ»НИ «ТУРОН» БАНКИНИНГ БАРЧА ЖАМҒАРМА КАССАЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ОК ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2001 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ 3-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

| | | |

ИНТЕР-СПОРТ

ЎЙИН ҚОЛДИРИЛДИ. САБАБИ...

Исроилнинг «Хапоэль» футбол клуби тадбиркори Рувен Шапир ўз жонига қасд қилишга мажбур бўлди. Гап шундаки, футбол жамоасини моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Шапир Нигериянинг йирик балиқ овлаш саноати билан боғлиқ тадбиркорликни йўлга қўйган эди. Гоҳ чикка, гоҳ пукка деганларидек, унинг саъй-ҳаракатлари самарасиз кечиб, иқтисоди синди. Жамоани моддий жиҳатдан таъминлашнинг иложи қолмади. Банклар футбол жамоасини ҳар қандай пул ҳисобларидан тўхтатиб қўйишди. Шапир шу йил бошида жамоани сотмоқчи ҳам бўлганди. Лекин бу ҳаракати ҳам омадсиз кечган. Оқибатда жамоа билан Ришон-Лециённинг «Ирон» футболчилари ўртасидаги учрашув кутилмаган ўлим туфайли қолдирилди.

ҚОТИЛ ТОПИЛАРМИКИН?

Таниқли фигурали учиш устаси Кира Ивановани ўлдириб кетишди. Россиялик спортчини у яшайдиган «Декабристлар» кўчасидаги уйда қўшнилари орқа курагининг бир қанча ерига пичоқ урилган ҳолда кўришган. Кира 80-йилларнинг ёрқин ва етакчи фигурачиларидан эди. Виктор Кудрявцевнинг шогирди қишки олимпиада, Европа ва жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган. Фигурачининг ўлими сабаблари ўрганилмоқда.

ФУТБОЛЧИГА АТАЛГАН МАШИНА

Жаҳон чемпионати финал учрашувларига қизғин ҳозирлик кўраётган Япония терма жамоасидан мухлисларнинг умидлари катта. Яқинда терма жамоага «Жубило Ивата»дан жалб қилинган ярим ҳимоячи Тосия Фудзита мавсумнинг энг яхши футболчиси деб эълон қилинди. Шарафлаш маросимида у 2 миллион иен (16 миллион доллар) ҳамда 5 миллион иенлик автомобиль билан тақдирланди.

УЕФАГА АЪЗО БЎЛИШДИ

Қозоғистон футбол федерациясининг ОФКдан чиқиб УЕФАга ўтиш йўлидаги уринишлари зое кетмади. Европа футбол уюшмасининг йиғилишида қозоқ биродарларимизнинг бундан буён УЕФА байроғи остида Европа ва жаҳон чемпионатларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишгани маълум қилинди.

ЯНГИ АСАР



Омон МУХТОР

БУЮК ФАРРОШ

(РАССОМ АБУЛХАЙРНИНГ ЭСДАЛИКЛАРИ)

РОМАНДАН БОБ

Таниқли адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Дўстлик» ордени соҳиби Омон Мухторнинг шу йил «Шарқ юлдузи» журналида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган «Ишқ аҳли» романи эълон қилинган эди. «Буюк фаррош» романи ўша асарнинг мантиқий давоми. Ундан бир бобни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Бир кунлар...

У саройдаги базмларни ёқтирмасди! — аммо илк дафъа Номаълум Гўзалга базмда кўзи тушган эди.

Кейин, Номаълум Гўзални бу ерда учратишни орзу қила бошлади:

Эй Навоий, тиламон ҳуру пари,
Шояд ул базмда ёрим келгай...

Улар ниҳоят «базмдан ташқарида» ҳам кўришиб, бир-бирига ўрганиб қолдилар. Ва орада шу қадар яқинлик пайдо бўлдики! Алишер ҳаётдаги каби ғазалларида ҳам Номаълум Гўзални ҳеч кимдан яширмай очиқ эркалашга одатланди:

Тилармен ислаб-ислаб ғабғабингни,
Гаҳ ўпсам оразингни. Гаҳ лабингни...

Онда-сонда махфий кўришишга тўғри келар, ўшанда ҳам албатта ҳижрон дамлари бор, лекин ҳижрон ҳали аччиқ эмас, висол умиди кун-тун унинг хаёлида эди:

Ҳажр ўқидин, эй кўнгул,
ҳар ён қанотлар соз қил.
Ул пари васли ҳавосин истабон,
парвоз қил...
Парвоз!

Алишер учун МУҲАББАТ чинакам ПАРВОЗ, кўнгул билан бирга, Бутун Руҳ, бутун Вужуднинг Ердан Кўтарилиши, Юксалиши эди. Ўшанда, бу даврни у фазо даври деб билган, атаган эди. Ҳамон шундай деб ўйлайди! Ана, ҳозир отда кетаётиб, ўйчан пичирлайди:

Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай,
Балки, ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.

Элдин андоқ ёшурун, истармен ул хилватниким,
Кўнгул ондин воқиф-у, жоним хабардор ўлмағай.

Кўзга кўнглум дардидин йиғларға имкон қолмағай,
Тилга дардим шарҳини айларға гуфтор ўлмағай.

Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада
Ўзгаликдин демаким, ўзлукдин осор ўлмағай.

Буки дерлар, бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо даврида кўз етгунча девор ўлмағай.

Махфий асроримға бўлғай ёр лафзидин адо,
Ёрдин айру ва лекин, соҳиб асрор ўлмағай.

Эй Навоий, қилма ҳар ёр оллида сиррингни фош,
Бормудир имкониким, ул ёрға ёр ўлмағай...

Алишер яна энкайиб, бошини кўксига солинтирганча, хаёлга ботади.

Унинг баъзи бир ғазаллари ердаги ёрга бағишланганми, Кўкдаги Ёрга (Оллоҳга) бағишланганми — ажратолмайсиз. Уриниш бефойда, натижа чиқмайди. Бу ғазал ҳам... Хилватда, «ёр буди ичра нобуд»ликда, ўзгаликни қўйиб, ҳатто ўзлукдан кечиш ва шу тарзда «Соҳиб асрор» бўлиш — Илоҳиётга хос туюлади. Аммо «ул ёр»ни «ҳар ёрга» қиёслаш, бевафолик ҳақидаги шаъма («ёрға ёр») Дунёвий ҳолат! Иккиси бирлашган. Гап шундаки...

Алишер Ерда Катта Муҳаббатни ҳис этгани, таниганидан сўнг, унинг МУҲАББАТи КЎКка кўчади. Аниқроғи, ердаги ёрни чинакам сева олгани учун ҳам, у Оллоҳни сева олади. Ҳаётда бахтсизликка йўлиқиб, айрилиқ (фироқ) чекига тушиб, банда эканлигини (ночорлигини) АНГЛАГАЧ, Бу Дунё-у Дунё, Катта Муҳаббатга ЛОЙИҚ ЗОТ аслида ОЛЛОҲ, деган фикрга келади. (Лекин умри сўнггигача ўз ёрини ҳам севиб қолаверади.) Шу боисдан, БУ ДАВР (ФАЗО ДАВРИ)даги ғазалларда бор, ИШҚ ҳақидаги деярли ҳар бир ИҚРОР Ер билан Кўк орасида. Қисқаси...

Ўшанда Алишер Номаълум Гўзалдан айрилиш (фироқ)ни ҳеч кутмаган эди. Тассаввур ҳам қилмаган эди:

Ҳар дам онсиз юз ўлум эрди
Навоий жонига...

Ўз туйғуларидан ўзи масти-мутағрақ. «Бу қадар ишқи ҳарамким» (бир маҳрамга эришиб яшаш истаги) кучли эди! Шундай юриб, ғафлат босдими?! —

Жон-у, кўнглум
ҳар бири йиғлар
ўз аҳволига...

Ва:

... кўксум уйин
мотамсаро қилди ФИРОҚ!

Номаълум Гўзал бевафомиди?!

(Йўқ, албатта!)

Алишер ўша кунлар ярим ҳазил оҳангида ёзган эди:

Эй жафогар, бир вафо қилким,
икковло бўлғабиз —
Мен жафо чекмакдин-у,
сен бевафоликдин халос...

Ҳаётда, амалда эса рўй берган ҳолат бошқа:

Қаро қилди, нечукким, рўзғорим,
Онинг ҳам рўзғори қора бўлмиш...

Алишер шафқатли ИНСОН! У гоҳ-гоҳ шикоят қилгани билан, ИШҚ, ОШИҚЛИК нима эканлигини яхши билади:

Киши ўзун ясаён бирла бўлурму ОШИҚ?!

У Номаълум Гўзални (севиб қолаверганидан!) ҳеч қачон ЖИДДИЙ айбламайди. Ҳаётни, шароитни тушунади! Ва шубҳасиз, ўйлайди:

Ёр улдурки, ҳар не-ким ўзиға истамас,
ёриға ҳам истамагай...

Илож қанча! Алишер (Ерда, МУҲАББАТ бобида ҳам, аввалдан охир) АДОЛАТСИЗЛИКни кўрган эди. (Унинг ҳаёти шундай шаклланган эди!)

(Учрашамиз маҳшар куни. Адолатли кун!)

Биринчи Муҳаббат пайти у оқсуяк, зодагон, ёри ҳимоясиз фуқаро аҳволига тушган эди. Иккинчи Муҳаббат пайти аксинча, севгилиси оқсуяк, зодагон, Алишер (бутун эгаллаган мавқе, обрў-эътибор билан!) ҳимоясиз фуқарога «айланади» (Номаълум Гўзалнинг яқинлари унга Алишерни муносиб кўрмайдилар. Машҳур бир ривоятда ҳам бу талқин учрайди!) Ота-боболари қачондир оддий кишилар бўлишгани-ю, кейин ДАВРАга киришгани Иккала Ҳолатда ҳам Алишерга панд беради. Иккала ҳолатда ҳам, Алишер ТЕНГСИЗЛИК туфайли, бахтга эришолмайди. Ўзини Камситилгандек сезади. Мана шу, ОЗОР сабаб, у (бир томондан, ЁЛҒИЗЛИКни истаб, иккинчи томондан, ҳаётда ҳам, ғазалларида ҳам) ўз муҳаббатини, умуман МУҲАББАТни ҳимоя қилгиси келади. ҲИМОЯ қилишга ЎРГАНАДИ! унинг (сўққабош бир кишининг) МУҲАББАТ ҲАҚИДА сўзлаши (ЗИДДИЯТЛИ бу ҲОЛ) ўз даврида ҳам, сўнг ҳам бировни ажаблантирмайди. (УНИНГ ҲОЛАТИ табиий бўлганидан, ҳеч ким бунга аҳамият бермайди.)

Таън қилмангким, Навоий бекасу беёр эмиш,
Ким, анга оламда ошиқлик иш ўлмиш, ишқ эш.

ОШИҚЛИК — иш.

ИШҚ — эш...

Дунё шундай.

Кимдир МУҲАББАТга хизмат қилади!

Кимдир НАФРАТга!

Ҳаётдаги чеккан ОЗОРлар майли. Алишернинг:

... ДАВР элидин
кўнглида ОЗОРи бор!
Ана, Зуҳд Аҳли (Зоҳидлар).

(У сўнгги пайтлар ҳужум кучайганини эслайди.)

Ўзгача бўлмоғ-у,
ўзгача ўзни кўрсатмак!
Бу — уларнинг ҳунари.

МУҲАББАТ ҳақида ёзма, дейишади. Одамлар бахтлими, бахтсиз?! Аҳамияти йўқ. Халқни подага айлантириш, бўйсундириб, қул қилиш, бири-бирига нафрат уйғотиш, қон тўкиш, фитна, бузғунчилик! Ҳеч нарсадан тап тортмайди. Лекин юрт ҳақида, миллат ҳақида, иймон-эътиқод ҳақида, фидойилик ҳақида гапиришади. Ўзларини ҳамманинг манфаати учун яшаб юргандек тутишади! Улар мунофиқ кишилар!

Ҳам ЎЗИ-ю,
ҳам МАЪРИФАТИ
жоҳил-у мажҳул...

Алишер қаттиқ толиқиш сезади.

МУҲАББАТдан ҳам ТОЛИҚҚАНдек кайфият уйғонади!

Ўз-ўзича ўйлайди:

Бош оқориб, —
юз қаролиғдур яна тарки адаб...

Кейин:

... беадаблик чоғи бас...

У секин кулиб қўяди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулк қўмитасининг

Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципиал биржа маркази

2002 йил 25 январь, 8, 22 февраль кунлари

соат 10.00да кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший, техник хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

№	Ер майдони жойлашган манзил ва қуриладиган шаҳобча тури	Ер майдонининг сатҳи	Бошланғич нархи (сўм)
	Ҳамза тумани		
1.	С.Кадишев кўчасида гўзаллик салони қуриш учун	0,0144 га.	3 999 610
	Сирғали тумани		
2.	Чоштепа кўчаси, 54-разъездда қурилиш моллари дўкони ва халқ эҳтиёжини қондириш дўконлари мажмуаси қуриш учун	0,09 га.	561 970
3	Чоштепа кўчасида дорихона, сартарошхона қуриш ва бозорчани таъмирлаш учун	0,04 га.	282 970
4	Локомотив кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш шаҳобчаси қуриш учун	0,04 га.	4 859 770
5	«Сирғали-8а» мавзеси, Янги Сирғали ва лойиҳадаги г-40,0 м. кўчалари бурчагида минимаркет қуриш учун	0,02 га.	4 475 770
	Яккасарой тумани		
6	Х.Умаров кўчаси, «Бошлиқ» даҳасида гўзаллик салони ва маиший хизмат мажмуаси қуриш учун	0,14 га.	2 344 570
	Мирзо Улуғбек тумани		
7	«Қорасув-6» мавзеси, Семашко кўчасида автомобиль ювиш шаҳобчаси қуриш учун	0, 015 га.	602 020
	Чилонзор тумани		
8	«Чилонзор-17» мавзеси, 2-уй ёнида автомобиллар ювиш шаҳобчаси қуриш учун	0, 03 га.	740 170
	Шайхонтоҳур тумани		
9	А.Хўжаев кўчасида дорихона қуриш учун	0, 02 га.	3 758 770
	Акмал Икромов тумани, Сегизбоев кўчаси, «Чилонзор-23» мавзе		
10	Спорт-соғломлаштириш мажмуаси қуриш учун	2300 кв.м.	6 080 020
11	Маиший хизмат мажмуаси қуриш учун	480 кв.м	2 070 010
12	Дорихона қуриш учун	480 кв.м	2 070 010
13	Қаҳвахона қуриш учун	480 кв.м	2 070 010
14	Фотосалон қуриш учун	200 кв.м	897 370
15	Сартарошхона қуриш учун	200 кв.м	897 370
16	Савдо дўконлари қуриш учун (3 та)	300 кв.м.	1 316 170

Ушбу ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Кимошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

БИРЖА МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 ЙИЛ 25 ЯНВАРЬ, 8,22 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

«4-Стройтрест» ОТАЖга қарашли Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган «5-ЖБИ» бинолари, 1 ва 2-сонли омборлар ҳамда бошқа иншоотлар. **Бошланғич нархи — 17 844 000 сўм.**

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 7-уйда жойлашган, 180 ўринга мўлжалланган «Локомотив» меҳмонхонаси. **Бошланғич нархи — 294 000 000 сўм ёки 431 781 АҚШ доллари.**

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли «7-автокорхона» очиқ акциядорлик жамиятининг 1991 йилда ишлаб чиқарилган:

— «ГАЗ-2411» русумли, давлат белгиси 10 AI 732, **бошланғич нархи — 396 298 сўм** бўлган автотранспорт воситаси; — «ГАЗ-2411» русумли, давлат белгиси 10 AI 733, **бошланғич нархи — 520 010 сўм** бўлган автотранспорт воситаси.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати.

Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.





ЎЛЖА ИЛИНЖИДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси компания бухгалтерияси ҳисобчиси

Равшан ВОҲИДОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR

Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Tursunali O'RMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA